

**IDEOLOGICAL AND ARTISTIC CHANGES IN CHINESE LITERATURE AND  
DRAMA IN THE SECOND HALF OF THE 20TH CENTURY****Shakhnoza Turobuddinovna Komilova***1 Senior Lecturer**Tashkent State University of Oriental Studies**Email: [shahnoz7779@gmail.com](mailto:shahnoz7779@gmail.com)**Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

**Key words:** Chinese literature, drama, Cultural Revolution, "Root-Seeking" movement, realism, modernism, political comedy, literary trends.

**Received:** 21.05.26**Accepted:** 22.05.26**Published:** 23.05.26

**Abstract:** This article analyzes the stages of development of Chinese drama and literature in the second half of the 20th century. The author explores the period of stagnation during the "Cultural Revolution," the subsequent revival processes, and the impact of the "Root-Seeking" movement on literature. Additionally, famous dramatic works of the period and the ideological and artistic changes within them are scientifically examined.

**XX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ ХИТОЙ АДАБИЁТИ ВА ДРАМАТУРГИЯСИДА  
ҒОЯВИЙ-БАДИИЙ ЎЗГАРИШЛАР****Шахноза Туробиддиновна Комилова***Катта ўқитувчи**Тошкент давлат шарқишунослик университети**e-mail: [shahnoz7779@gmail.com](mailto:shahnoz7779@gmail.com)**Тошкент, Ўзбекистон***МАҚОЛА ҲАҚИДА**

**Калит сўзлар:** Хитой адабиёти, драматургия, маданий инқилоб, "Илдизларга қайтиш", реализм, модернизм, сиёсий комедия, адабий оқимлар.

**Аннотация:** Ушбу мақолада XX асрнинг иккинчи ярмидаги Хитой драматургияси ва адабиётининг ривожланиш босқичлари таҳлил қилинган. Муаллиф "маданий инқилоб" давридаги турғунлик, ундан кейинги қайта тикланиш жараёнлари ҳамда "Илдизларга қайтиш" ҳаракатининг адабиётга таъсирини ёритиб берган. Шунингдек, даврнинг машҳур драматик асарлари ва улардаги ғоявий-бадиий ўзгаришлар илмий жиҳатдан ўрганилган.

## ИДЕЙНО-ХУДОЖЕСТВЕННЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ В КИТАЙСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ И ДРАМАТУРГИИ ВТОРОЙ ПОЛОВИНЫ XX ВЕКА

*Шахноза Туробиддиновна Комилова*

*Старший преподаватель*

*Ташкентский государственный университет востоковедения*

*Email: [shahnoz7779@gmail.com](mailto:shahnoz7779@gmail.com)*

*Ташкент, Узбекистан*

---

### О СТАТЬЕ

---

<b>Ключевые слова:</b> китайская литература, драматургия, культурная революция, «Поиск корней», модернизм, политическая литература, комедия, литературные течения.	<b>Аннотация:</b> В данной статье анализируются этапы развития китайской драматургии и литературы второй половины XX века. Автор рассматривает период застоя во время «культурной революции», последующие процессы возрождения и влияние движения «Поиск корней» на литературу. Также научно исследуются известные драматические произведения того периода и происходившие в них идейно-художественные изменения.
--	---

---

**Кириш.** XX асрнинг иккинчи ярми Хитой тарихида сиёсий ва ижтимоий туб бурилишлар даври бўлиб, бу жараёнлар мамлакат адабиёти ва драматургиясида бевосита ўз аксини топди. Ушбу даврни ўрганишнинг долзарблиги қуйидаги омиллар билан белгиланади

Дунё халқлари адабиётида драма ўзига хос тарихий йўлни босиб ўтган, адабиётшунослар томонидан назарий асослари ҳам батафсил ёритилган. Одатда, асослари юнон адабиёти мисолида ўрганиладиган драманинг Осиё халқлари адабиётида ҳам муайян ривожланиш тарихи мавжуд. Хусусан, дунёга карвон йўллари, савдо алоқалари орқали таъсир кўрсатган Хитой давлати ўзининг илғор ғоялари, фалсафаси, бадиий адабиёти билан ҳам етакчилик қилган. Драматик асарлар қадим хитой халқининг яшаш шароити, тафаккур тарзига монанд ривожланиб келган. Хитой драматургиясининг юзага чиқиш жараёни, шаклланиш омиллари, жанр тараққиёти ва унинг ривожига хисса қўшган драматурглар ижодини илмий аспектда ўрганиш Шарқ адабиётшунослигининг устувор вазифаларидан ҳисобланади.

Маъданият ислохоти даврида кўпгина чет эл асарлари хитой тилига таржима қилина бошланди, бунда рус ижодкорлари асарлари кўпроқ салмоққа эга бўлди. [5, 130-б.] Агар замонавий хитой адабиётини босқичларга бўлиб ўрганилса унда қуйидагича маълумотлар кўзга ташланади:

Биринчи босқич, Хитой Халқ Республикаси ташкил этилгач, адабиёт оламига озод этилган хуудлар ва бутун Хитойдан, гоминданчилардан иборат иждокорлар кириб келди, бу ўз ўзидан, адабиётда икки композицион оқимни вужудга келтирди: Биринчи оқим иждокорлари асарларида, халқ маданиятининг демократик жанрлари ва фольклори таъсирида— халқ кўшиқлари, эртаклари, миллий саргузашт романларининг таъсири сезилиб туради. Бунга Чжао Шу-Ли, Чжао Ли Бо, Дин Лин асарлари мисол бўла олади. Иккинчи оқимга ғарб адабиёти таъсирида иждок қилган адиблар асарлари киради. Бу оқим ёзувчилари ғарб адабиётини жуда яхши билган ва унинг натижасида ғарб адабиёти намуналарининг хитой тилига таржима салмоқли даражада кўпайишига олиб келди.

Иккинчи босқич. 1950 йилларга келиб хитой адабиётида уруш мавзуси долзарб мавзуга айланди. Бу даврда инқилобий ғояларни илгари сурган бир қатор романлар яратила бошланди.

Учинчи босқич. 1957 йилдан бошлаб Хитой адабиётида замонавий шеъриятга бағишланган, рус адабиёти намуналарини кенг тарғиб қилган журналлар ўз фаолиятини бошлайди. Айнан мана шу даврда рус ёзувчилари, иждокорлари асарлари кенг кўламда таржима қилиниб эълон қилиб борилган. Бу даврда асосан шеърий таржималар кўп салмоққа эга бўлган, дейиш мумкин. 1966 йилда адабиёт оламини турғунликка олиб келган маданий инқилоб бошланди. Кўпгина замонавий адабиёт намуналари бўлган асарлар кескин танқидга учради. 1967 — 1969 йиллардаги маданий инқилобдан сўнг ёзувчининг асарлари ва кенг ўқувчи аудиториясига мосланган журналлар чиқарилмади. [1, 210-b.]

Тўртинчи босқич. Фақатгина 1971 йилга келиб машхур адибларнинг асарлари чоп этила бошланди, 1972-йилга келиб 130 дан ортиқ турли жанрдаги асарлар чоп этилди ёки қайта нашр этилди. Мисол тариқасида Жу Кэфэйнинг “Баҳорги оқим” (“春潮色”), Ли Юн Донгнинг “Қайноқ тоғлар” каби романлар, Гуо Мо Жуонинг “Син хуа кўшиғи” (“新华颂”), Хэ ЧиФангнинг “Бизнинг улуғ байрамимиз” (“我们最伟大的节日”), Вонг Пингнинг “Ватан ҳақида куйлаш” (“歌唱祖国”) каби шеърлар ва инқилобий курашнинг тарихи ҳақида ёзилган драматик асарлар, Ху Кэнинг “Жангда улғайган” (“战斗里成长”), Чэн Чи Тонгнинг “Минг дарёлар ва тепаликлар” (“万水千山”), Жинг Шаннинг “Қизил бўрон” (“红色风暴”), Лао Шэнинг “Лун Суй дарёси” (“沧须河”), Ся Яннинг “Синаш” (“考验”) каби пьесалари яратилди. Шу тариқа хитой адабиётида 1966-1976 йиллар оралиғи “дахшатли ўн йил” номи билан аталди. [2, 59-b.] 1976 йил октябрь ойида “тўртлар бандаси”га бутунлай зарба берилганидан сўнг, адабиётшунослар ва санъаткорлар, уларнинг бу соҳада олиб борган бузғунчи қилмишларига “адабиётдаги қора жабҳа диктатураси”, “учта алоҳида фожеа” каби назарияларига жавобан қаттиқ зарба бердилар. 1978 йил декабрь ойида ХКПнинг XI

курултойининг 3–пленимида бўлиб ўтди. Бу пленумдан кейин адабиёт ва санъат дунёсидаги ғоявий эркинлик фаолияти янада ривожланди. Бу даврга келиб кўпгина адабиётшунослар ва санъаткорлар илгари қораланган асарлари қайтадан оқланиб тикланди. ХХР ташкил топгандан буён адабиёт ва санъат соҳасида қилинган иш ва тажрибаларга қайтадан яна бир бор синчиклаб ўрганилиб, хулоса чиқарилиб, назарий изланиш ва баҳслашишлар авж олди. Шундай қилиб адабиёт ва санъат асарлари учун одатда содир бўлмайдиган жонланиш, ҳамда тотув шароит вужудга келди. Хитой Халқ Республикасининг ташкил топгандан кейинги 30 йил ичида адабиёт ва санъат соҳасида рўй берган ютуқ ва қарама–қаршиликларга хулоса чиқарилди, ғоявий томондан адабиёт ва санъат ижодкорларига эркинлик берилди. Синфий кураш назариясига чек қўйилиб, адабиётшунослар ва ёзувчилар қурилтойи адабиёт ва санъатнинг келажак режаларини белгилаб берди.

1976–1989 йилларда яратилган адабий–бадний асарларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида шуни айтиш мумкинки, бошқа соҳалар каби Хитой адабиёти вакиллари ҳам “тўртлар бандаси”нинг Хитойда олиб борган сиёсати қурбонларига айланган эди, улар қайта тарбиялаш лагерларидан озод қилинди. Шу тариқа адабиётда инқилобий реализм анъаналари яна қайтадан тикланди, ривожланди ва мазмун жиҳатдан бойиди. Сиёсий, иқтисодий, маданий соҳалардаги янги ўзгаришларни адабиёт орқали тасвирлаб бериш имконияти пайдо бўлди. Асарлардаги ғоя борган сари чуқурлашди, турли хил қахрамонларнинг образлари ва уларнинг турли хил мураккаб характерлари ҳаққоний тасвирланадиган бўлди. Бундай шароитнинг янгилиниб бориши кўпгина ёзувчиларнинг янги санъат ва усуллари ва шаклларида изланишлар олиб боришларига туртки бўлди. Мана шунинг учун ҳам бу даврдаги адабий асарлар сифат жиҳатидан юқорига кўтарилди. Кўпгина асарлар одамларнинг ғоясигагина эмас, балки жамият ҳаётининг ривожланишига ҳам катта таъсир кўрсатиб, ижтимоий жиҳатдан кўзга ташланган муваффақиятларга эришди.

Бу ёзувчилар билан бир қаторда аёл ёзувчилар ҳам муваффақиятларга эришди. Адабий танқидишлари фаоллашди, муҳим назарий муаммолар устидан изланишлар олиб борилди. Натижада адабиётда кўп қиррали турли йўналишлар вужудга келди.

1980 – йиллардан бошлаб, адабиёт оламида оммавий “Илдизларга қайтиш” ҳаракати бошланди, бу Хитой адабиётини ўз ақидаларига, анъаналарига қайтишни кўзлаган ҳаракат бўлди. Чунки, “маданий инқилобдан” сўнг, мамлакат адабий оламини фақат сиёсий асарлар, коммунистик тарғиботларни ўзида мужассам этган китоблар, бундан ташқари, европа адабиётида кенг ёйилган модернизм ва постмодернизм жанрлари эгаллаб келатган эди. “Илдизларга қайтиш” ҳаракати хитой адабиёти оламини сиёсатдан суғуриб ҳақиқий

адабиёт, ижодкорлик сари бурди. Айниқса, бу даврда шахс, унинг туйғулари, рухий олами каби долзарб мавзулар кенг муҳокама қилина бошланди.

Очерк ва эсселар хитой адабиётида сезиларли ўринни эгаллайди. Жумладан, Ба Цзиннинг “Суйсян лу” асарини тилга олиш мумкин. 90-йилларда Россия мавзуси деярли учрамайди, аммо хорижий мамлакатлар мавзуси хитой ёшлари орасида катта кизиқишларни уйғотган. [8, 26-b.] Бунинг таъсирида, Дэн Ю Мэйнинг “Токиодаги 4 хитойлик” (1985й.) асари, Кэ Яннинг “Манхетен шахридаги хитойлик қиз” (1992й) қиссаси кабилар шулар жумласидандир.

XX аср 80-йиллар Хитой драматургиясини уч босқичга ажратиш мумкин: биринчи босқич 1977-1979 йилларга тўғри келиб, драматургиянинг қайта “уйғониши”, реалистик драма анъаналарининг қайта тикланиши, шунингдек, муҳим ютуқларнинг қўлга киритилиши билан характерланади;

иккинчи босқич 1980-1985 йиллар оралиғига тўғри келиб, бу даврда пьесалар ёзиш кутилмаганда камайиб кетади, театр арбоблари ғарб модернистик пьесаларини ўзлаштира бошлайдилар, мардона тадқиқотлар ва ислохотлар ўтказилади, натижада ушбу соҳанинг назарий асослари ишлаб чиқилади ва тадқиқий драмалар вужудга кела бошлайди;

учинчи босқич 1986-1989 йиллар оралиғи бўлиб, бу давр олдинги даврларда тадқиқий драма соҳасида олинган тажрибаларга таянган ҳолда янада мустақкам тадқиқотларнинг ишлаб чиқилиши билан тавсифланади. Бу даврда кичик театр ҳаракатлари эътиборни жалб қилган эди. [2, 210-b.]

Ушбу даврнинг бир кўзга кўринган намояндаларидан бири Гао Син Жиандир. У драматургияда ижод қилишдан ташқари, наср, таржима, адабий танқид соҳаларида ҳам самарали қалам тебратган ижодкордир.

1977 йил замонавий давр драматургиясининг “қайта туғилган” даври сифатида баҳоланади [2, 210-b.]. Аввало бу даврда ажойиб пьесаларнинг бир қисми қайта сахнада қўйила бошланди, шу билан бирга, “тўртлар бандаси” [7, 79-b.] фитналарига қарши танқидий қарашлар ҳам шу даврдан бошлаб берилди. Пьесаларнинг қайта сахнага қўйилиши ва танқидий қарашлар жараёнидагина янги давр драматургиясининг қайта туғилиши ва тикланиши мумкин эди. “Заранг барги қизарганда” ва “Тонгги шафақ” пьесаларининг сахнага қўйилиши драматик асарлар яратилишининг қайта жонланганини англатар эди.

“Заранг барги қизарганда” [2, 210-b.]. (Син Чжен-ся, Ванг Синг-юй сценарийси асосида, 1977 й) – сиёсий комедиядир, у ўткир сатира орқали “тўртлар бандаси”нинг ёлғончи қиёфасини фош этган. “Тонг шафақи” (Бай Хуа, 1977 й) эса 30 йиллардаги Хе Лонг ва “сўл” оппортунистлар ўртасидаги курашни тасвирлайди. Муаллиф Пинг Да-зян каби

Қизил армиянинг кўзга кўринган аскарларнинг қўлга олиниши ва ўлдирилиши воқеалари орқали, тарихий фактлар асосида “сўл” кучларнинг Коммунистик Партия барча раҳбарлари инқилобий ҳаракатларига етказган зарарларни фош қилишга ҳаракат қилди. “Сўл” ғоявий оқимнинг Хитой инқилобий тарихидаги ўрни ва келиб чиқишини ўрганди. Шундан сўнг янги пьесалар кўплаб миқдорда дунё юзини кўра бошлади. Бу драматик асарларнинг умумий жиҳати шунда эдики, мазкур пьесаларда “4 май ҳаракати” давридаги анъаналар қайта тикланган ва янада ривожлантирилган эди. 1978 йилда “Сукунат” [1, 210-b.] (Зонг Фу-сиен сценарийси асосида) пьесаси Шанхай сахналарида қўйилди, бу пьеса “4 май ҳаракати” қаҳрамонларининг оқланиши йўлидаги илк хитоб саналади. Пекинда машҳур бўлган “Виждоний тизим” [1, 210-b.] пьесаси “тўртлар бандаси”нинг Чжоу Эн-лайга нисбатан айбловлар қўйилиши каби сиёсий курашларни ўзида ифода этган, ушбу пьесада Чжоу Эн-лай “03” номли янги дори ишлаб чиқариш жараёнидаги қарама-қаршиликларни кўрсатиш орқали, бир қатор ёрқин инсонлар образи яратилди, реализм анъаналарининг тикланганини шу асарда яққол кузатиш мумкин. Асарда бош қаҳрамонлардан бири Фанг Линг-сюан очиққўнгил ва соддадил, таслим бўлишни афзал кўради, ахлоқсиз одамларни ўз душманидек ёмон кўради, Динг Вен-чжуннинг юзи нуроний, сочларига оқ оралаган бўлсада, табиатан қайсар, гаплари ўткир, виждонли, аммо безбетроқ, бу қаҳрамонлар орқали хитой кекса авлод зиёлиларининг феъл-атвори, ахлоқи кўрсатиб берилган. Чжуанг Зи-шенг эса салбий қаҳрамон бўлсада, инсон феъл-атворининг мураккаблигини очиб беради.

Икки хил драма – Жануб ва Шимол драмаларининг бир-бирига мослашуви “Заранг барги қизарганда” пьесаси сахнага қўйилганидан кейин янадааниқ кўзга ташланди. Ўша йиллари пьесалар мазмун ва миқдор жиҳатидан бойиб борди. Муалиф Лин Бяо “тўртлар бандаси”нинг кирдикорларини фош этиш ва танқид қилиш билан шуғулланарди, шу билан бир вақтда, кекса авлод инқилобчилар ҳақидаги “Тонгги шафақ” пьесасидан кейин уларнинг сони сезиларли даражада кўпайди, бу билан санъат ривожига қайсидир маънода ҳисса қўшди.

Ёзувчилар мафкуравий бидъатлардан халос бўлганларидан сўнг жуда қисқа муддат ичида кўплаб бир-бири билан “гўзалликда тенглашадиган гуллар” мусабакаси каби драматик асарлар кўпайиб кетди. Дастлабки икки йил ичида энг катта таъсир ўтказилган драматик асарлар икки буюк шаҳар – Пекинда ва Шанхайда турли хил вазиятларда пайдо бўлди, 1979 йилдан бошлаб эса бутун мамлакат бўйлаб – шимолий-шарқ, шимолий-ғарб, марказий жануб вилоятлари, Шарқий Хитой провинцияларида ҳам кузатилди драматик асарлар кўпайди.

80-йилларнинг бошида драманинг оммавийлиги пасайди, пьесалар тақдири боши берк кўчага кириб қолди. Бунинг сабабини изоҳлаш жуда мураккаб, драматургия ривожининг пасайишига пьесалар мавжуд бўлган ижтимоий муҳитдаги ўзгаришлар, шунингдек, иқтисодий ҳаётнинг кундан-кунга асосий эътибор нуқтасига айланиб борганлиги, Хитой ва бошқа давлатлар ўртасида иқтисодий, сиёсий, техникавий, маданий алоқаларнинг кенг кўламда ривожланиши, бўш вақт ўтказишнинг турли-туман усулларининг пайдо бўлиши каби омиллар таъсир кўрсатган бўлиб, бундан ташқари драматургиянинг яратилиши ва намойиш этилишини ташкил қилиш муаммолари, драматургияда ғоянинг моддийлашуви муаммоси ҳам эътиборсиз қолдириш мумкин бўлмаган омиллардандир. Бу “боши берк кўча” драматургларни драматик асарларини ёзиш, театрни қайта тиклашга илҳомлантирди.. [3, 210-b.]

Хулоса қилиб айтганда, XXаср иккинчи ярми адабиётни ривожланиш тенденциясини даврларга бўлган ҳолда қўриб чиқилди. Биринчи давр Хитой Халқ Республикаси ташкил этилгач, адабиёт оламига озод этилган худудлар ва бутун Хитойдан, гоминданчилардан иборат ижодкорлар кириб келди, бу ўз ўзидан, адабиётда икки композицион оқимни вужудга келтирди, биринчи оқим ижодкорлари асарларида, халқ маданиятининг демократик жанрлари ва фольклори таъсиридасезилиб турсада, иккинчи оқим - ғарб адабиёти таъсирида ижод қилган адиблар асари киритиш мумкин. Иккинчи босқич XX асрнинг эллигинчи йилларига хитой адабиётида уруш мавзуси долзарб мавзуларга айланган давр ҳисобланади. Учинчи давр эса Хитой адабиётида замонавий шеърятга ривож, рус адабиёти намуналарини кенг тарғиб қилган журналлар ўз фаолиятини бошлаган давр дея оламиз, шундай бўлсада 1967-1969 йиллар турғунликка учраган даврни ҳам айтиб ўтиш жойиздир. Тўртинчи давр эса адабиёт бироз жонланган, аввалги машхур адиблар асарлари наш этти бошланади, сиёсий, иқтисодий, маданий соҳалардаги янги ўзгаришларни адабиёт орқали тасвирлаб бериш имконияти пайдо бўлди. 1980 – йиллардан бошлаб, адабиёт оламида оммавий “Илдизларга қайтиш” ҳаракати бошланди, бу Хитой адабиётини ўз ақидаларига, анъаналарига қайтишни кўзлаган ҳаракат бўлди. Чунки, “маданий инқилобдан” сўнг, мамлакат адабий оламини фақат сиёсий асарлар, коммунистик тарғиботларни ўзида мужассам этган китоблар, бундан ташқари, европа адабиётида кенг ёйилган модернизм ва постмодернизм жанрлари эгаллаб келаётган эди. “Илдизларга қайтиш” ҳаракати хитой адабиёти оламини сиёсатдан суғуриб ҳақиқий адабиёт, ижодкорлик сари бурди. Айниқса, бу даврда шахс, унинг туйғулари, руҳий олами каби долзарб мавзулар кенг муҳокама қилина бошланди.

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: XX асрнинг иккинчи ярми Хитой адабиёти сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар билан узвий боғлиқ ҳолда тўртта

асосий босқичда ривожланди. 1966–1976 йиллардаги "маданий инқилоб" адабиёт ва санъатда чуқур турғунликни келтириб чиқарган бўлса-да, 1970-йилларнинг охиридан бошлаб реалистик анъаналарнинг қайта тикланиши кузатилди. 1980-йиллардаги "Илдизларга қайтиш" ҳаракати адабиётни сиёсий мафкура тазйиқидан олиб чиқиб, инсон рухий олами ва миллий қадриятларга йўналтиришда муҳим бурилиш нуқтаси бўлди. Драматургия соҳасида Ғарб модернистик усулларининг ўзлаштирилиши ва тадқиқий драмаларнинг пайдо бўлиши хитой театрини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. 中国现代文学史 1917-1997/北京/ 2008 年。
2. 中国现代文学经典选读/北京/ 2006 年/
3. 中国现代戏剧史/1899-1949/北京/ 2008 年
4. В.М.Алексеев. "Труды по китайской литературе". «Восточная литература» РАН. Книга 1-2. М.2002 г.
5. Аджимамудова. В. С. «Современная китайская драма». М. 2000г.
6. Литература (1928-1949)./ История Китая с древнейших времен до начала XXI века. М., Наука – Вост. лит., 2013.
7. А.Н. Желуховцев. Литература и Изобразительной искусство. М., Наука – Вост. лит., 2003.
8. Комилова Ш. Т. Хитой ўрта аср адабиётида драматургиянинг тараққиёти //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – Т. 2. – №. Special Issue 26. – С. 391-395.